| 115.3. | 6 ойдан юқори муддатдаги амалиётлар бўйича сўровлар | 500 000 сўм |
| ***Документар аккредитивлар бўйича амалиётлар*** | | |
| ***116.*** | ***Импорт аккредитивлари*** | |
| 116.1 | Бошқа банкларга аккредитивларни авизолаш | 1 500 000 сўм |
| 116.2. | Импорт шартномаси асосида аккредитив матни лойиҳаси (Draft)ни тайёрлаш | 200 000 сўм |
| 116.3 | Аккредитив очиш | |
| | Қопланган | 1 фоиз аккредитив суммасидан (мин.-2 000 000 сўм-макс.-25 000 000 сўм) |

| | | |
|---|---|---|
| | | |
| | Қопланмаган | 1 фоиз аккредитив суммасидан (мин.-10 000 000 сўм-макс.-100 000 000 сўм) |
| 116.4. | Аккредитив шартларини ўзгартириш | |
| | а) аккредитив суммасини ошириш | 0,2 фоиз (мин.500 000 сўм-макс. 10 000 000 сўм) |
| | б) муддатини узайтириш | 500 000 сўм |
| | в) бошқа ўзгартиришлар | 500 000 сўм |
| 116.5. | Савдони молиялаштириш учун банк хизмати комиссияси | Келишувга асосан |
| | Бунда, экспортёр мижозларга "Ипотека-банк" маржаси | 2 фоиз |
| 116.6. | Рамбурслаш комиссияси | Келишувга асосан |
| 116.7. | Акцепт, аваль комиссиялари (Тратта) | Келишувга асосан |
| 116.8. | Муддати узайтирилган (кечиктирилган) тўловлар | 120 000 сўм<br>ҳар ойига (тўлов комиссиясига қўшимча қилиб олинади) |
| 116.9. | Ҳужжатларни текшириш | Аккредитив хужжатларини ҳар бир тўпламини текшириш учун 500 000 сўм |
| 116.10. | Тафовут билан тақдим этилган ҳужжатларга асосан аккредитив бўйича тўловни амалга ошириш (бенефициар ҳисобидан) | 100 АҚШ доллари эквивалентида |
| 116.11. | Тўланмаган ёки хато тақдим этилган ҳужжатларни қайтариш | Хақиқатда бўлган почта-телеграф харажатлари |
| 116.12. | Аккредитив аннуляцияси (воз кечиш) | 1 000 000 сўм |
| 116.13. | Аккредитив бўйича ёзишмалар ва сўровлар | бепул |
| 116.14. | Эмитент банк сўровига асосан қопланган аккредитивни тасдиқлаш | 1 фоиз йиллик аккредитив суммасидан |
| 116.15 | Эмитент банк сўровига асосан қопланмаган аккредитивни тасдиқлаш | Келишувга асосан |
| ***117.*** | ***Экспорт аккредитивлари*** | |
| 117.1. | Дастлабки авизолаш | 400 000 сўм |
| 117.2. | Экспорт аккредитивини қабул қилиш ва авизолаш | 0,1 фоиз (мин.500 000 сўм-макс. 5 000 000 сўм) |
| 117.3. | Ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатиш | Хақиқатдаги почта-телеграф харажатлари |
| 117.4. | Авизо этувчи банк ижрочи бўлганида ҳужжатларни текшириш | Ҳар бир ҳужжат учун<br>150 000 сўм |
| 117.5. | Олдиндан авизолаш | 200 000 сўм |
| 117.6. | Аккредитивни тасдиқлаш (чорак ёки бир қисми учун): | |
| | а) валюта билан копланганда | 0,5 фоиз |
| | б) валюта билан копланмаганда | Келишувга асосан |
| 117.7. | Тўлов учун талабнома қўйиш | 300 000 сўм |
| 117.8. | Аккредитив шартлари ўзгаришини авизолаш | 300 000 сўм |
| 117.9 | Аккредитив аннуляцияси (воз кечиш) | 400 000 сўм |
| 117.10. | Аккредитивни дисконтлаш | Келишувга асосан |
| ***118.*** | ***Битимлар (контрактлар)*** | |
| 118.1. | Мижоз аризасига асосан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида экспорт шартнома бўйича келиб тушган олдиндан тўлов, очилган | Бепул |

| | | |
|---|---|---|
| | аккредитив, берилган банк кафолати ва суғурта полиси асосида “Информация о справках о расчетах” маълумотномасини расмийлаштириш | |
| 118.2. | Мижоз аризасига асосан ташқи савдо шартномалари бўйича маълумот тақдим этиш:<br><br>1 йилдан ошмаган муддат ичидаги амалиётлар бўйича;<br>1 йилдан 3 йилгача муддат оралиғидаги амалиётлар бўйича;<br>3 йил ва ундан ортиқ муддат оралиғидаги амалиётлар бўйича. | 100 000 сўм<br><br>200 000 сўм<br><br>400 000 сўм |
| ***119.*** | ***Своп амалиётлари*** | |
| 119.1. | Мижозга валюта сотилганда: | |
| | а) 30 кун муддатгача;<br>б) 31 кундан 90 кун муддатгача.<br>в) 91 кундан 180 кун муддатгача<br>г) 181 кундан 365 кун муддатгача | 2 % шартнома суммасидан<br>4 % шартнома суммасидан<br>6% шартнома суммасидан<br>8% шартнома суммасидан |
| 119.2. | Мижозга сўм маблағлари сотилганда: | |
| | а) 30 кун муддатгача;<br>б) 31 кундан 90 кун муддатгача;<br>в) 91 кундан 180 кун муддатгача;<br>г) 181 кундан 365 кун муддатгача. | 1,5% шартнома суммасидан<br>3% шартнома суммасидан<br>5% шартнома суммасидан<br>7% шартнома суммасидан |
| ***120.*** | ***Чеклар билан амалиётлар*** | |
| 120.1. | Инкассога қабул қилинган чеклар<br>(тўлов учун комиссия) | 200 000 сўм |
| 120.2. | Оддий захирадаги ҳисоб-китоблар учун олинган чеклар | 100 000 сўм |
| 120.3. | Чекларни қайтарганлик учун комиссия | 200 000 сўм |
| 120.4. | Нақд доллардаги йўл чеклари | 500 000 сўм |
| 120.5. | Тўловни тўхтатиш талаби | 500 000 сўм + тўлов учун комиссия |
| ***121.*** | ***Инкассо*** | |
| 121.1. | Соф инкассо учун комиссия | 300 000 сўм |
| 121.2. | Акцепт + инкассо | 200 000 сўм |
| 121.3. | Акцепт + аваль + инкассо | 1 000 000 сўм |
| 121.4. | Инкассо норозилиги (опротестование) | 200 000 сўм |
| 121.5. | Ўзгартириш/қайта йўналтириш учун комиссия | 150 000 сўм |
| 121.6. | Банкнинг/юбориладиган ҳужжатларни тузиш учун комиссия | 100 000 сўм |
| 121.7. | Сўров учун комиссия | 100 000 сўм |
| ***122.*** | ***Кафиллик билан боғлиқ амалиётлар*** | |
| 122.1. | Банк ёки мижоз фойдасига келган кафилликни авизолаш (Ипотека-банк томонидан мажбуриятларсиз) | 800 000 сўм |
| 122.2. | Банк ёки мижоз фойдасига келган кафиллик шартларининг ўзгартиришларини авизолаш (Ипотека-банк томонидан мажбуриятларисиз) | 400 000 сўм |
| 122.3. | Чет эл контр кафилилигига қарши Ипотека-банк мижози фойдасига кафиллик бериш | 1 фоизгача |

| | | |
|---|---|---|
| 122.4. | Мижоз топшириғига кўра кафолат бўйича талабнома қўйиш | 250 000 сўм + Почта харажатлари |
| 122.5. | Талабномаларни бажариш | Мижоз билан келишилган шартномага асосан |
| 122.6. | Чет эл кафилигини қайтариш (кафилликда ёзилган шартига асосан) | 50 000 сўм + Почта харажатлари |
| 122.7. | Банк ёки мижоз фойдасига келган кафолатлар бўйича ёзишмалар | 300 000 сўм |
| ***123.*** | ***Нақд пул билан боғлиқ хизматлар*** | |
| 123.1. | А) Ҳисобварақдан накд хорижий валютани бериш:<br>- Юридик шахсларга;<br>- Экспортёр мижозларга;<br>- Жисмоний шахсларга;<br>- Солиқ, прокуратура ва бошқа давлат органларини тадбир ва қарорларига. | <br>0,3 фоиз мин. 150 000 сўм<br>0,2 фоиз мин. 150 000 сўм<br>0,5 фоиз мин. 50 000 сўм<br><br>Бепул |
| | Б) Аввал накд шаклда топширилган суммадан:<br>- Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига;<br>- Жисмоний шахсларга. | <br>0,1 фоиз мин. 100 000 сўм<br><br>Бепул |
| | В) Юридик шахслар учун накд хорижий валютани мижоз ҳисобрақамига ўтказиш учун қабул қилиш<br>- АҚШ доллари<br>- Россия рубли, евро, инглиз фунти, швейцария франки, япон йенаси | <br><br>Бепул<br>0,2 фоиз |
| 123.2. | Омонатга ёки хорижга жўнатиш учун накд хорижий валютани қабул қилиш | Бепул |
| ***124.*** | ***Умумий хизматлар*** | |
| 124.1. | ТИФ масалалари бўйича консультация | Бепул |
| 124.2. | Валюта маблағларини харид қилиш учун тақдим этилган буюртма бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш:<br>- Барча мижозлар<br>- МИБ ва хукумат баённомалари, фармойишлари ҳамда хизмат сафари харажатлари билан боғлиқ буюртма;<br>- Мижозлар томонидан ***интернет-банк*** орқали тақдим этиладиган буюртмалар. | <br><br><br>100 000 сўм<br><br>Бепул<br><br>Бепул |
| 124.3. | Валюта маблағларини олди-сотди амалиётлари:<br>А) Хўжалик юритувчи субъектлар миллий валютага чет эл валютасини сотиб олиши;<br>Б) Экспортёр хўжалик юритувчи субъектлар миллий валютага чет эл валютасини сотиб олиши;<br>Б) Суд қарорлари асосида МИБ томонидан тақдим этилган буюртмалар бўйича валюта маблағлари харид қилиш;<br>В) Юридик шахсларнинг ички валюта бозорида валюта сотиш битимлари бўйича воситачилик ҳақи;<br>Г) Ички валюта бозорида сотиб олинган ва фойдаланилмаган валютани қайта сотиш;<br>Д) Солиқ органлари тақдимномалари асосида валюта маблағларини сотиш. | <br><br>0,4 фоиз<br><br>0,2 фоиз<br><br><br>Бепул<br><br>0,1 фоиз<br><br>0,1 фоиз<br><br>Бепул |

| | | |
|---|---|---|
| 124.4. | А) Мижознинг валюта маблағларини (шаклланиш манбаидан қатъий назар) бошқа валютага айрбошлаш:<br>- Юридик шахслар учун;<br><br>- Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;<br><br>-Экспортёр мижозлар томонидан валюта маблағларини бошқа валютага айирбошлаш;<br><br>- Жисмоний шахслар учун;<br><br>Б) Ички валюта бозоридан сотиб олинган валюта маблағларни бошқа валютага айрбошлаш<br><br>В) Ички валюта бозоридан сотиб олинган хорижий валютани қайта сотиш учун бошқа хорижий валютага алмаштириб бериш. | <br><br>0,5 фоиз (минимал 50 000 сўм - макс. 3 000 000 сўм)<br><br>0,3 фоиз (мин. 20 000 сўм - макс. 500 000 сўм)<br><br>0,2 фоиз (минимал 50 000 сўм - макс. 1 000 000 сўм)<br><br>0,5 фоиз (мин. 20 000 сўм – макс. 500 000 сўм)<br><br>0,2 фоиз (мин. 50 000 сўм – макс. 500 000 сўм)<br><br>Бепул |
| | | |

| IX.Кредитлаш бўйича хизмат ҳақлари миқдори | | |
|---|---|---|
| **№** | **Хизмат турлари** | **Хизмат ҳақи миқдори** |
| 125. | Кредит ҳисобварағини очиш учун | Бепул |
| 126. | Кредит ҳисобварағига хизмат кўрсатиш учун | Бепул |
| 127. | Кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш учун бир марталик тўлов | Хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириладиган кредитлар - кредит линияси шартларига мувофиқ, бошқа кредитлар бепул |
| 128. | Гаров таъминотини расмийлаштириш учун | Бепул |
| 129. | Гаров таъминотини гаровдан чиқариш ёки қисман чиқариш | Бепул |
| 130. | Мониторинг ўтказиш | Бепул |
| 131. | Мижознинг талабига асосан кредит шартномасига ўзгартириш киритиш | Кредит қолдиғининг 0,1 фоизи (500 000 сўмдан кўп бўлмаган миқдорда) |
| 132. | Кредит қолдиғи бошқа банкка сотилганда | Бепул |
| 133. | Кредит бюросидан олинган маълумот учун | Бепул |
| 134. | Гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун | Бепул |
| 135. | Очиқ кредит линияларидан фойдаланмаган кредит суммаси учун | Бепул |
| 136. | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ва ундан паст фоиз ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича кредитнинг муддати ўтган қисми учун пеня | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 баробари миқдорида, бироқ кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаган ҳолда |

| | | |
|---|---|---|
| 137. | Хорижий валютада ажратиладиган шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори ставкаларда ажратиладиган кредитлар бўйича кредитнинг муддати ўтган қисми учун пеня | Кредит бўйича ўрнатилган фоиз ставкасининг 1,5 баробари миқдорида, бироқ кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаган ҳолда |
| 138. | Муддати ўтган фоизлар учун пеня | Муддати ўтган фоиз суммасининг 0,1 фоизи миқдорида (муддати ўтган фоизнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда) |
| 139. | Кредит бўйича ойлик абонент тўлови | Бепул |
| **X. Валюта айирбошлаш шохобчалари томонидан амалга ошириладиган операциялар бўйича** | | |
| 140. | Валюта айирбошлаш шохобчалари орқали бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) | 1 фоиз<br>Камида 10 000 сўм<br>(мижоздан олинган нақд хорижий валютани банкнинг сотиб олиш курсида олиниб, унга алмаштириб бериладиган валютани банкнинг сотув курсида берилади) |
| 141. | Айирбошлаш шохобчаси томонидан хақиқийлигига шубха туғилган нақд чет эл валютасини детектор ёрдамида хақиқийлигини текшириб бериш | Ҳар бир банкнота учун 500 сўм |
| 142. | Валюта айирбошлаш шохобчасида қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб бериш ёки миллий валютага айирбошлаш:<br>банкнота тасвирини (шаклини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса (сийқаланиш банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга халақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган ҳолатлар бундан мустасно);<br>банкнота энининг (бўйининг) тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлса;<br>ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари (1 sm-2 дан ошмаган) бўлса ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлар аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлса;<br>майда доғлар, ёзувлар, штамп изи бўлганда (бунда ёзув ёки штамп изи икки донадан ортиқ бўлса, банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар бундан мустасно) ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган бўлса;<br>банкнота диаметри 1 mm дан ошмаган ва иккитадан ортиқ тешиклар бўлса, бунда тешиклар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга халақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган бўлиши керак. | Банкнотанинг номинал қийматидан 5 фоиз<br><br>Камида 10 000 сўм |

| | | |
|---|---|---|
| 143. | Мазкур тарифларнинг 142-бандида кўрсатилган меъёрлардан ортиқ бўлган ва қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган шикастланган муомалага яроқсиз банкноталарни валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан инкассога эмитент банкка жўнатиш учун қабул қилиш:<br>бўлакларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса;<br>дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;<br>ёнган ёки куйган ҳолатда бўлса;<br>қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёҳ тўкилган бўлса;<br>банкнотада кимёвий реактивлар таъсири бўлса;<br>муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;<br>банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса;<br>банкнота геометрик ўлчамининг 3 mm га тенг ёки ундан ортиққа ўзгарган бўлса;<br>банкнота тасвирини (суратини, портретини, шаклини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса;<br>ўзининг қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкнотлар.<br>Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар тўловга яроқсиз деб эътироф этилади. | 3 фоиз<br><br>Хорижий банкка тўланадиган харажатларни қоплаган ҳолда |
| 144. | Айирбошлаш шохобчасида йирик чет эл валютасини ўша давлатнинг чет эл валютасига майдалаб бериш ёки майда чет эл валютасини ўша давлатнинг чет эл валютасига йириклаб бериш операцияларини амалга ошириш | 1 фоиз<br>Камида 10 000 сўм |

***экспортёр мижозлар** – жорий йилда ёки охирги 12 ой мобайнида экспорт айланмаси мавжуд корхона ва ташкилотлар, юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъекти ёки ЯТТ ҳисобланади.

**“Ипотека-банк” АТИБ**
**Бошқаруви йиғилишининг**
**2020 йил “18”мартдаги**
**80-сонли қарори билан**
**тасдиқланган**
**2-илова**

**“Ипотека-банк” АТИБ томонидан миллий ва хорижий валютадаги амалиётлар бўйича банк хизматлари кўрсатиш тарифларидан ва фоиз сиёсатидан фойдаланиш**

## ҚОИДАЛАРИ

“Ипотека-банк” АТИБ (кейинги ўринларда “Банк”) томонидан миллий ва хорижий валютадаги амалиётлар бўйича банк хизматлари кўрсатиш тарифлари қуйидаги шартлар билан амал қилади:

1. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 62-моддасига асосан, Банк хизмат кўрсатиш тарифларини мустақил белгилайди.

2. Тарифларда кўзда тутилмаган хизматлар бўйича комиссиялар томонлар келишуви бўйича шартномага асосан ўрнатилади.

3. Банк хизматлари кўрсатиш тарифлари ва унга киритилган ўзгартиришлар кучга киришидан камида 10 кун олдин банкнинг расмий интернет сайти, мобил иловалари, ижтимоий тармоқлардаги махсус саҳифалари, тадбиркорлар хонаси, банкнинг эълонлар тахтаси ва прайс листлар орқали эълон қилинади. Банк хизматлари кўрсатиш тарифлари қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай бошқа воситалар орқали ҳам эълон қилиниши мумкин.

4. Банк томонидан банк хизматлари кўрсатиш тарифларига ўзгартириш киритилганида, ўзгартириш киритишидан 10 кун олдин мижозни бу ҳақда хабардор қилинади. Мижоз ушбу хабарни Банкка боғлиқ бўлмаган ҳолда (юридик манзили, телефон рақамлари ва бошқа алоқа воситаларидаги ўзгаришлар тўғрисида ёзма тарзда Банкка хабар бермаганлиги) хабарни олмаганлиги учун Банк мижоз олдида жавобгар бўлмайди ва Банк томонидан ушбу ўзгартирилган тарифлар бўйича ҳақ олишига тўсқинлик қилмайди.

5. Кўрсатилган ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа хизматлар учун банк комиссиялари ва фоизлари хизмат кўрсатилган куни ҳисобланади ва ундирилади.

6. Мижоз банк ҳисобварағини ёпиб, бошқа банкка ўтказилганда мижоздан ҳисобварағи ёпилгунга қадар бўлган амалиётлар бўйича амалдаги тарифларга асосан хизмат ҳақи ундирилади.

7. Банк мижозларга Банкнинг банк хизматлари кўрсатиш тарифларида белгиланган даражадан камроқ даражадаги ёки бепул тариф қўллаши мумкин. Белгиланган даражадан

камроқ даражадаги ёки бепул тариф қўллаш мижозларга тарифлар бўйича имтиёзлар бериш йўли билан амалга оширилади.

8. Филиалда алоҳида олинган мижозга ёки мижозлар гуруҳига Банк хизматлари кўрсатиш тарифларида белгиланган даражасидан 50 фоиздан кам бўлмаган тариф қўллаш, филиал молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, филиал комиссиясининг коллегиал равишдаги қарори асосида филиал томонидан мустақил амалга оширилишига рухсат берилади. Пилот филиаллар учун филиал комиссияси таркибига филиал бошқарувчиси, Фронт офис раҳбари, Бэк офис раҳбари ва Молия бўлими бошлиғи-бош бухгалтер киритилиши шарт.

9. Филиал томонидан мустақил равишда қўлланилган имтиёзлар бўйича ASBT дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш мажбурияти филиалнинг бош бухгалтерига (пилот филиалларда операцион бўлим бошлиғига) буйруқ асосида юкланади.

10. Алоҳида аҳамиятга эга мижозларга банк хизматлари кўрсатиш тарифларида белгиланган даражасининг 50 фоизидан кам ёки бепул тариф қўллаш, филиал молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, филиал комиссиясиинг коллегиал равищдаги қарори асосида тегишли блок  билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

11. Банк филиалларида мижозларга банк хизматлари учун бепул тарзда хизмат кўрсатиш мижознинг бошқа мижозларга нисбатан аҳамиятли сифатлари бўлган тақдирда, яъни бепул тарзда хизмат кўрсатиш орқали Банк бошқа тарзда фойда олиш имконияти бўлган тақдирда, ушбу сабабларни филиал коллегиал баённомасида кўрсатган ҳолда (кворум асосида) расмийлаштириш лозим. Ушбу талабларга зид равишда расмийлаштирилган баённомалар асосида берилган имтиёзлар, Бош банк томонидан ушбу мижозга кўрсатилган хизматлар учун ундирилмаган ҳақ сифатида баҳоланиши мумкин.

Мижоз томонидан ҳеч қандай алоҳида аҳамият касб этмаган ҳолда унга имтиёзли, айниқса бепул тарифлар қўллаш таъқиқланади.

12. Банк филиалларининг алоҳида аҳамиятли мижозларига ўрнатилган тарифларга нисбатан имтиёзли тарифлар қўллашда мижозларга банк хизматлари кўрсатиш бўйича имтиёз, филиал Иқтисодий таҳлил бўлими (пилот филиалларда Молия бўлими ва Фронт офиси) томонидан чуқур таҳлил асосида, коллегиал комиссия қарорига мижознинг банкка келтирадиган аҳамиятини, банк ҳисобварағи орқали амалиётлари ҳажмини, банк кассаларига накд пул тушуми, мижоздан олинган даромадини ва бошқа омилларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Бунда, комиссия қарорида мижознинг банкка келтирадиган фойдаси ҳамда унинг аҳамияти бўйича келтирилган рақамлар, фактлар ва таҳлилий маълумотлар бўйича жавобгарлик комиссия таркибидаги Иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи (пилот филиалларда бош бухгалтер ва Фронт офис бўлими бошлиғи) зиммасига юклатилади.

13. Мижозга берилган имтиёзли тарифлар амал қилиш муддати мижознинг молиявий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, коллегиал комиссиялар томонидан мустақил белгиланади.

Филиаллар томонидан мижозга банк хизматлари кўрсатиш буйича бир йилдан ортиқ муддатга имтиёз қўлланилган тақдирда, ҳар йили бир маротаба ушбу мижоз фаолияти такрорий таҳлил қилинади. Зарур ҳолларда, таҳлил натижасида берилган имтиёз бекор қилинади ҳамда мижозларнинг коммисия тўловлари банк хизматлари кўрсатишнинг стандарт тарифларига асосан ундирилиши бўйича тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Мижозга дебет айланмаларидан ундириладиган банк хизмат ҳақи бўйича бир йилдан ортиқ муддатга 0,2 фоиз дан паст миқдорда имтиёз қўлланилиб, такрорий таҳлил натижасида мижоз бир йил давомида ўртача ойлик айланмаси 75 млн.сўмдан кам бўлганлиги аниқланган тақдирда, мижозга берилган имтиёз бекор қилинади ҳамда мижознинг комиссия тўловлари банк хизматлари кўрсатишнинг стандарт тарифларига асосан ундирилиши бўйича тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Мижозга имтиёзли шартлар асосида хизмат кўрсатиш ёки алоҳида фоиз ставкалари қўллаш ҳақида қарор қабул қилинишига асос бўлган вазият ўзгарганида, Банк имтиёз ёки алоҳида фоиз ставкалари қўллаш ҳақида келишувни бир томонлама, Мижозни 10 кун олдин огоҳлантирган ҳолда бекор қилиши мумкин. Огоҳлантириш муддати тугаганидан сўнг Мижозга кўрсатилган хизматлар учун Банкнинг амалдаги банк тарифларига мувофиқ ҳақ ундирилади.

Ушбу бандда келтирилган қоидалар мижоз билан имтиёзли банк хизматлари кўрсатиш шартномасида акс эттирилиши лозим.

14. Банк хизматлари бўйича корпоратив мижозларга имтиёзли тарифлар қўллаш Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

15. Мижозга имтиёз бериш, мижоз томонидан филиалга мурожаат қилинган санадан эътиборан, тегишли комиссиялар томонидан коллегиал равишда 10 банк иш куни ичида кўриб чиқилиши шарт.

16. Барча филиалларда алоҳида аҳамиятли мижозларга имтиёзли шартларда хизмат кўрсатиш бўйича расмийлаштирилган коллегиал комиссия қарорини рўйҳатга олиш китоби юритилиши лозим. Китобда қарор санаси, рақами, имтиёз қўлланилаётган мижоз номи, имтиёзли тариф ставкаси ва унинг амал қилиш муддати қайд қилиниши лозим. Китоб варақлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Бош банк бош бухгалтери имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

17. Айрим мижозлар бўйича алоҳида имтиёзли фоиз ставкалари қўллаш ҳақидаги розиликни олгандан сўнг, филиал мижоз билан бундай фоиз ставкасини қўллаш ҳақида муддатли келишув имзолайди. Ушбу келишув алоҳида битим (шартнома) шаклида тузилиб, мижоз билан тузилган банк ҳисобварағи шартномасига илова ҳисобланмайди. Ўз навбатида, бундай ҳолатда банк ҳисобварағи шартномасига ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмайди.

18. “Welcome” тарифи ушбу Қоидалар кучга кирган кундан эътиборан Банк тизимидан бошқа тижорат банкига асосий ҳисобварағини олиб ўтган ва ҳисобварақларини Банк тизимига қайтиб олиб ўтаётган мижозларга нисбатан қўлланилмайди.

19. Тарифларда ойлик тўлов миқдори белгиланган хизмат турлари бўйича тўлов, мижозга ушбу хизматни кўрсатиш бошланган (ёки бекор қилинган) ойлар учун ушбу хизматдан фойдаланган кунларга пропорционал равишда ундирилади.

20. Мижозларга хорижий валютадаги филиаллар томонидан ундириладиган банк хизматлари юзасидан имтиёзлар бериш филиалларнинг коллегиал баённомасида кўрсатган ҳолда (кворум асосида) расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Мазкур тарифнинг 124.4 - бандига тегишли Банк комиссиялари Бош амалиёт бошқармаси даромадига, қолган барча Банк комиссиялари филиал даромадига ўтказилади. Бош амалиёт бошқармаси томонидан ундириладиган комиссиялар бўйича имтиёзлар бериш фақатгина Бош банкнинг тегишли масъул таркибий бўлинмалари иштирокида Бошқарув Раиси ўринбосарларининг рухсати билан амалга оширилади.

Мазкур тарифнинг 124.4 - бандига мувофиқ кўрсатилган банк хизматлари филиалнинг ўзида амалга оширилса комиссия филиал томонидан ундирилади.

Мижозларга хорижий валютада хизматлар кўрсатишда бошқа (клиринг банклар, хорижий банклар ва ҳ.к.) банкларга тўланган комиссия ва фоизлар Тарифларга қўшимча равишда мижозлар томонидан тўланади.

Мижозларга хорижий валютада хизматлар кўрсатишда Банк комиссиялари ёки йиғимлари ёки учинчи томонлар йиғимлар норезидент ҳисобига бўлса ва у тўлай олмаса ёки тўлашдан бош тортса, у ҳолда Банкнинг барча мазкур йиғим ва комиссиялари резидент ҳисобидан ундирилади.

21. Банк филиалларидаги мижозларга хорижий валютадаги ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича хизматларнинг комиссиялари, фақатгина миллий валютада (хизмат ҳақи операция суммасидан келиб чиққан тақдирда томонларнинг келишувига кўра) ундирилади.

22. Алоҳида ҳолларда, айрим мижозлар учун белгиланган тарифлардан ўзгача алоҳида ёндашиш ҳолатлари тегишли Бошқарув Раиси ўринбосарлари ёзма рухсатига асосан, мазкур амалиётларга тааллуқли таркибий бўлинмалар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу рўйхатдаги ва бошқа амалиётлар бўйича филиаллар мурожаати ва тегишли таркибий бўлинма хулосасига кўра Бошқарув қарори ёхуд Бошқарув Раиси (Бошқарув Раиси ўринбосарлари) розилиги асосида бошқа тариф ставкалари қўлланилиши мумкин. Айрим мижозлар бўйича алоҳида фоиз ставкалари қўллаш бўйича аввалги қабул қилинган ва амалда бўлган Бошқарув қарорлари ушбу қарор билан бекор қилинмайди.